# ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Савол-жавоблардан сўнг Омбудсман ҳисоботи батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари** Омбудсманга хусусий мулкни, тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратишни таклиф қилдилар. Уларнинг фикрича, бу масала аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун долзарб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, фермерлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини кўпроқ ўрганиш ва мониторинг қилиш зарур.

Фракция аъзолари парламент қўмиталари билан ҳамкорлик қилиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш, мунтазам равишда тегишли ахборот алмашишни йўлга қўйиш юзасидан таклифлар киритдилар. Ҳуқуқий таълимни, жамиятда ҳуқуқий билимларни, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамияти тузилмалари ходимлари орасида тарғиб қилишни яхшилаш муҳимдир. Депутатлар Омбудсман минтақавий вакилларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар** сайловолди платформасининг мақсадларидан ва партия электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Омбудсман қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида депутатларнинг назорат-таҳлил фаолиятида фаолроқ иштирок этиши лозимлигини таъкидладилар. Бунда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Фракция аъзолари миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчилар, оналик ва болалик соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Омбудсман минтақавий вакиллари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш юзасидан Омбудсман фаолиятини янада кучайтириш тарафдори эканликларини ҳам билдирдилар. Ушбу вазифаларни бажаришда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** давлат ва жамият томонидан аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланувчи бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этишни ўзларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашларини билдирдилар. Шу муносабат билан фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи демократик институт ҳисобланган Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти жуда муҳимдир.

Ижтимоий шерикликнинг ролини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини фаол тарзда рўёбга чиқариш мақсадида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция аъзоларининг фикрича, ҳозирги вақтда кўрилаётган чора-тадбирлар Омбудсманни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини самарали рўёбга чиқаришга, давлат ва фуқаролик институтлари фаолиятининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга кўмаклашишга, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтиради.

Шунингдек, ЎзХДП фракцияси аъзолари фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга доир янги қонунлар қабул қилингани муносабати билан Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари номига фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратдилар. Депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари, маҳаллий Кенгашлар партия гуруҳларининг бўлғуси қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши устидан самарали назорат амалга оширилишига, уларга риоя этилмаслиги сабабларини ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда белгилашга кўмаклашадиган ўзаро узвий алоқалар ўрнатиши ва ҳамкорликни мустаҳкамлаши муҳимдир.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси вакиллари** ўз сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, давлат фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатига айланиши лозимлигини, хусусан, ижтимоий адолатни янада такомиллаштиришга қаратилган ишларни кучайтириш, ҳар бир инсоннинг меҳнатга, ишни эркин танлашга, малакали тиббий хизматлардан фойдаланишга ва таълим олишга, қулай турмуш шарт-шароитларини яратишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидладилар.

Сўзга чиққанларнинг фикрича, Омбудсманнинг ҳисоботида барча мурожаатлардан фақат икки фоизи Интернет тармоғи орқали келиб тушган. Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган, аҳоли билан ишончли ўзаро алоқа учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг янги даражасига ўтилаётган даврда ушбу кўрсаткич жуда пастдир. Шу муносабат билан Омбудсманнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш таклиф этилди.

Бундан ташқари, фракция вакиллари томонидан ҳисобот даврида келиб тушган такрорий мурожаатлар сонига ҳам эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Омбудсманга давлат органлари ва бошқа идоралар билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш орқали такрорий мурожаатларнинг миқдорини қисқартиришга эришиш таклиф этилди.

**Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари** Омбудсманнинг диққат-эътиборини фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратишни кучайтириш лозимлигини билдирдилар. Жумладан, улар Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларида фуқароларнинг соғлиғини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини тез-тез мониторинг қилишни, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ўтказиладиган табиатни муҳофаза қилишга доир турли тадбирларда иштирок этишни тавсия қилдилар.

Ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Ахборот хизмати**




*Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, замонавий шаҳарлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар, қулай иқтисодий ва сармоявий муҳит хорижликларнинг эътиборини тортади. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар ва меҳмонлар буни алоҳида эътироф этади. ЎзА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.*

# ХОРИЖЛИКЛАР ҲАВАСДА

**Эрхард ШТРЕКЕР (Германия):**

– Ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига оид кўп китоблар ўқиганман, фильмлар кўрганман. Ўзбекистон жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган юрт сифатида дунёга машҳур.

Мамлакатингизда энг кўркам, энг муҳташам бинолар таълим масканлари экан. Ўзбекистонда илм-фанга эътибор нақадар баланд эканига ҳавас қилдим. Жойларда бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашиб, бунга янада кенгроқ ишонч ҳосил қилдим. Ёшларингиз жуда билимли. Исталган соҳада ҳар қандай одам билан баҳслаша олади. Ўқувчиларнинг чет тилларда бемалол сўзлаша олиши эътиборимни тортди. Бундай билимли ва соғлом ёшлар мамлакатингизнинг катта бойлиги.

**Ченглей МОУ (Хитой):**

– Ўзбекистон пахтасидан тайёрланадиган матолар ва кийим-кечакларга дунёда талаб юқори. Мамлакатингизда тўқимачилик, мода ва дизайн соҳалари тобора ривожланиб бормоқда. Бунинг учун юртингизда барча зарур омиллар – иқтисодий барқарорлик, замонавий саноат тармоқлари ва интеллектуал ғоялар мавжуд.

Юртингизга келишимдан асосий мақсад тўқимачилик корхоналари билан танишиш ва ҳамкорлик ўрнатишдир. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги яқин ва эркин алоқалар бунга мустаҳкам замин яратади.

**Мохана ДЕВГАН (Ҳиндистон):**

– Ёшларингизга ҳавасим келади. Улар Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломаларнинг авлодларидир. Уларнинг буюк мероси бутун дунёга кенг ёйилган, цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшган. Буюк шоир ва қомусий олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ҳам нафақат ўзбек халқининг, балки инсониятнинг маънавий мулкига айланган.

Шундай алломалар туғилган юртни, эртак ва ҳикоятларда эшитганим Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини кўриш кўп йиллик истагим эди. Ниҳоят, орзуим амалга ошиб, Ўзбекистоннинг ушбу қадимий шаҳарларини, тилларда достон тарихий обидаларини ва меъморий ёдгорликларини зиёрат қилиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

**Деметрио ГАРСЕС (Испания):**

– Ўзбекистонга бундан 17 йил илгари келган эдим. Шундан буён мамлакатингиз жадал ривожланибди. Тошкент шаҳрини таниш қийин. Замонавий муҳташам бинолар, йўл ва кўприклар қурилибди, тарихий обидалар таъмирланибди. Аҳоли ва меҳмонларнинг дам олиши учун кенг шароит яратилган. Гўзал хиёбонларни, ресторану қаҳвахоналарни, супермаркет ва дўконларни ҳар қадамда учратиш мумкин. У ерларда кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай сайёҳга манзур бўлиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2015 йил мамлакатингизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинганини эшитиб ҳавас қилдим. Бу саъй-ҳаракатлар аввало кексаларнинг, қолаверса, уларни соғ-саломат кўришни хоҳлайдиган барча инсонларнинг кўнглини кўтаради.

**ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**

Хоразм Вилояти

**Урганч шаҳрида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг 2014 йилда амалга оширган ишлари, истиқболдаги муҳим вазифалари, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# БАРЧАСИ КЕЛАЖАК УЧУН

Тадбир олдидан кўргазма ташкил этилиб, унда ёш иқтидор эгаларининг турли йўналишлардаги ижод намуналари, тадбиркор ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва улар эришаётган ютуқлар қайд этилди. Ўтган йилда ҳам “Соғлом бола йили” Давлат дастури ва республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. “Камолот” ЁИҲ томонидан “Сиз қонунни биласизми?”, “Ёш чегарачилар”, “Мутахассислигинг сенинг келажагинг”, “Юртимни обод қиламан” каби тадбирларда ёшлар касб-ҳунар эгаллаш, ижтимоий-иқтисодий масалаларга эркин фикр билдириш, юрт ободлигини таъминлаш борасидаги ижодий ва амалий ишлари билан иштирок этишди. “Менинг бизнес ғоям” танловида 42 нафар хоразмлик ёш тадбиркор фаолиятини бошлаш учун 593,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитларга эга бўлишди. Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари 2000 нафарга яқин ўғил-қиз ўз бизнесини йўлга қўйиш, уни молиялаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш сир-асрорларини ўрганишди.

Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилиб, ёшларнинг иқтидор ва қобилиятлари юзага чиқарилмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

ЮКСАЛИШ

# ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС СИФАТ

## “O‘QITUVCHI” НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИГА СИФАТ ТИЗИМИНИНГ ISO-9001 ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ СЕРТИФИКАТИ ТОПШИРИЛДИ



Шу муносабат билан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, эндиликда ушбу нашриёт уйи нафақат республикамизданоширлик-мабаачилик бозоридаги барқарор ўрнини янада мустаҳкамлади, балки келгусида фаолиятини ташқи бозорга кенгайтириш имкониятларига ҳам эга бўлди. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда матбаа соҳасини ривожлантириш, полиграфия корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг самарасидир.

– Давлатимиз раҳбари томонидан матбаа соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган имтиёз ва афзалликлар самарасида корхонамиздаги ускуна ва жиҳозлар техник ва технологик жиҳатдан янгиланмоқда, – дейди “O‘qituvchi” нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Рустам Худойқулов. – Бу матбаа маҳсулотлари таннархини сезиларли даражада камайтириш, сифатини ошириш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Корхонага хориждан келтирилган замонавий, янги техника ва ускуналар ўрнатилгани боис, ишлаб чиқариш жараёнига сарфланадиган вақт, маблағ, хомашёни тежаш ҳамда босма маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш имконини бераётир. Бугунги кунда корхонада китоб, дафтар, журнал ҳамда истеъмол қоғози каби кўплаб турдаги босма ва матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

## Йўл-транспорт коммуникация соҳаларининг жадал ривожлантирилиши турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

(Боши 1-саҳифада)

Бу поезд илгари қўшни давлат ҳудудидан ўтар, оворагарчиликларга дуч келинарди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан янги – “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон” темир йўли қурилганлиги туфайли кўпгина қийинчиликлар бартараф этилди, манзилга етиб бориш 173 километрга қисқарди. Поезд Ўзбекистоннинг олти вилояти ҳудудидан ўтиб борганлиги туфайли ажойиб манзараларни томоша қилиб кетасизлар. Термизда сизларни кутиб оламиз”. Норбой аканинг таклифи бизга маъқул тушди. Орадан икки ойча ўтгач, Сурхондарёга отландик. Дастлаб Қамчиқ довони орқали Тошкентга бордик. Бу автомагистрал кейинги йилларда тубдан ўзгарди: йўл кенгайтирилди, хавфсизлик чоралари кўрилди. Йўл-йўлакай янги – “Ангрен – Поп” темир йўли жадал қурилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Хуллас, Сурхон воҳасига саёҳатимиздан жуда хушнуд қайтдик. Тажрибали педагог Норбой Умаровнинг оила аъзолари билан хайр-хўшлашар эканмиз, уларни Фарғона водийсига меҳмонга таклиф қилдик”.

Ижтимоий ҳаётимизнинг ёрқин кўриниши акс этган бу фикр-мушоҳадалар мустақиллик йилларида юртимизда йўл-транспорт коммуникация соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга атрофлича назар ташлашга ундайди. Ҳудудларни бир-бирига боғловчи автомагистраллар, темир йўлларнинг қон томирларига қиёс этилиши бежиз эмас. Иқтисодиётнинг янада тараққий этиши, халқ турмуш фаровонлигининг ошиб бориши кўп жиҳатдан бу соҳанинг илдам ривожлантирилишига боғлиқ. Шу боис, мазкур тармоқни юксалтириш давлатимиз раҳбари ва республика ҳукуматининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. “Ўзавтойўл”, “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ташкил этилганлиги, уларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги шундан далолат беради. Бу чора-тадбирлар ва узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар муваффақият келтирмоқда. Кейинги йилларда 1000 километрдан зиёд темир йўллар электрлаштирилди, 3800 километрлик темир йўллар модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди.

Нафақат Ўзбекистон темир йўллари, балки мамлакатимиз тарихига ёрқин саҳифалар сифатида кирган қуйидаги икки улуғвор воқеага алоҳида тўхталиш зарур. Биринчи, “Навоий – Учқудуқ – Мискин – Нукус – Султон Увайстоғ” темир йўлининг бунёд этилиб, ишга туширилганидир. Кўҳна Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприк ҳамда бошқа ўнлаб иншоотларни ўз ичига олган бу йирик магистраль юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Иккинчиси, узунлиги 223 километрдан иборат бўлган, денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтган “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон” темир йўлидир. У йўловчиларга катта қулайлик яратиши билан бирга қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштиришда, минерал ресурслардан янада самарали фойдаланишда муҳим ўрин тутмоқда. Таъкидланган икки янги темир йўл тармоғининг барпо этилиши ва мавжудларига қўшилиши ҳисобига Ўзбекистон ҳудудидаги темир



йўллар 1100 километрдан зиёдга оширилиб, уларнинг умумий узунлиги 6500 километрга етказилди.

Тармоқни янада тараққий эттириш учун у энг замонавий, юксак самарали локомотивлар, ҳар томонлама қулай вагонлар билан таъминланмоқда. Темир йўл вокзаллари қайтадан қуриляпти ҳамда реконструкция қилинмоқда. Шу ва бошқа чоралар ҳисобига иш ҳажми, хизмат кўрсатиш даражаси янада оширилмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси ташкил этилгандан буён йўловчи ташиш 1,3 баравар, юклар ташиш 1,5 марта кўпайгани фикримизни тасдиқлайди. Бошқачароқ талқин этадиган бўлсак, юртимизда йўловчиларнинг 75 фоиздан зиёди, юкларнинг 60 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали кўзланган манзилга етказилмоқда. Шу ўринда “Тошкент – Самарқанд – Тошкент” йўналиши бўйича ҳаракатланаётган “Афросиёб” тезюрар поездини фахр-ифтихор билан тилга олиш зарур. Юқори тезликда ҳаракатланадиган бу замонавий транспорт воситаси икки шаҳар оралиғидаги масофани атиги икки соатда босиб ўтмоқда.

Қўлга киритилаётган ютуқларда билимдон муҳандислар, тепловоз машинистлар, йўлсозлар, таъмирловчилар ва бошқа жонкуяр ходимларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Президентимиз Фармонига кўра Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот локоматив депоси тепловоз машинисти Жиенбай Изенов, Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси кран машинисти Олим Жўраев, Бухоро вилоятидаги 17-йўл қурилиши машина станцияси йўл таъмирловчиси Отаназар Раззоқов, “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Ҳикматилло Салиевлар “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими” унвони, кўплаб соҳа фидойилари орден ҳамда медаллар билан мукофотланганлиги уларни ва ҳамкасбларини янада самарали фаолият кўрсатишга даъват этмоқда. “Андижон механика заводи” шўъба корхонаси цех бошлиғи Орифжон Назиров “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” унвони билан тақдирланганлиги бежиз эмас. Зеро, бу корхона жамоаси юк вагонларини капитал ва жорий таъмирлашда олдинги сафда бормоқда. Бу ерда янги индукцион печлар ўрнатилиб, қуюв деталларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илгари бундай маҳсулотлар бошқа корхоналардан олиб келинарди. Энг эътиборлиси, юк вагонлари таъмирланишидан ташқари олдинга қараб муҳим қадам қўйилди. Яъни юк вагонларининг янгиларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Таъкидланганидек, 2014 йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 124,1 километр узунликдаги “Ангрен – Поп” темир йўлининг ўз вақтида ва сифатли қурилиши устидан алоҳида назорат ўрнатиш зарурлигига эътибор қаратилди. Президентимиз “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси 2014 йилда халқаро ҳаво транспорти ассоциациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлигини фахр билан тилга олди.

Дарҳақиқат, бошқа тармоқлар каби ҳаво транспорти ҳам жадал ривожлантирилмоқда. 2014 йилда авиация транспортида юк ташиш ҳажми 126,3 миллион тонна-километрни ташкил этди. Шу кўрсаткич 2013 йилдагига қараганда 8,5 фоизга ошди. Бу борада Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика марказида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ва “Boeing” компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан иккита йўловчи ташувчи самолётни юк ташувчи ҳаво кемаси сифатида қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги пайтда улардан халқаро юкларни ташишда самарали фойдаланилмоқда.

“Йўлингиз бехатар бўлсин!”, “Ой бориб, омон қайт!” деб бежиз айтишмайди. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган, бугунги кун талаблари даражасида хизмат кўрсатишга астойдил интилаётган йўл-транспорт соҳасининг минг-минглаб билимдон ва фидойи ходимларига доно халқимизнинг ана шу эзгу тилаклари йўлдош бўлишини ният қиламиз.

**Суннат САЙДАЛИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# ИЛҒОР ВА ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР

## ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИБ, ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини ва бунинг натижасида эришилган ютуқларимизни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.**

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 19 мартдаги 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига оид қарори ижроси доирасида Сирдарё вилоятида ҳам биргина 2008-2012 йилларда 2556 километр очиқ зовурларни таъмирлаш-тиклаш, 949 дона мелиоратив тик қудуқ ва 55 та насос агрегатини таъмирлаш, 707,5 километр ёпиқ-ётиқ зовурларни тозалаш ишлари амалга оширилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш учун кўплаб маблағлар сарфланди. Бугунги кунда давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор самараси ўлароқ, вилоятда пахта ва ғалла ҳосилдорлиги 30-40 фоизга ошди.

Шунингдек, вилоятда кучсиз, ўртача ва кучли шўрланган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда замонавий агротехнологияларни қишлоқ хўжалигида жорий этиш ва фермер хўжаликларини юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлаш ҳам соҳани барқарор ривожлантиришга хизмат қилаётир. Масалан, лазерли текислаш ва 90 сантиметр чуқурликда эгатларни юмшатиш агротехник тадбирларининг қўлланилиши ҳам тупроқ гипс қатламини йўқотишда юқори самара бермоқда. Мана икки йилдирки, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг Мирзаобод туманидаги "Азамат тажрибакор" фермер хўжалиги лазерли текислаш ва ғўза қатор ораларини 90 сантиметр чуқурликда ярусли юмшатиш тажрибасини қўллаётганлиги натижасида аввалда 9,9 центнердан ҳосил олиб келинган майдонларнинг ҳар гектарида 25-26 центнердан пахта етиштирилмоқда. Ушбу тажриба Мирзаобод туманидаги "Хуршид Раҳматулла ҳамкор", Оқолтин туманидаги Бобур номли сув истеъмолчилари уюшмаларининг экин майдонларида ҳам яхши самара бераётир.

Шунингдек, Оқолтин туманидаги "Оқолтин сардори" фермер хўжалиги раҳбари Қурбонгул Мамадалиева уч йил олдин чигитни қўшқатор усулда экиб, ғўзани парваришлаш тажрибасини амалда синаб кўрганди. Тажриба синовдан яхши ўтди. Авваллари ҳар гектар майдондан 24-25 центнердан ҳосил олиб келинган ерларда эндиликда гектаридан ушбу усулда 40-45 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Ўтган йили фермер ушбу тажрибани 300 гектардан зиёд майдонда қўллаб кўрди. Туман бўйича эса 1000 гектар майдонда ушбу усулда чигит экилди. Бу тажрибанинг аҳамияти шундаки, сарфланган меҳнат юқори сифатли ҳосил етиштирилишини таъминлади.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида фермерларнинг билим ва малакаларини янада ошириш, хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганишлари учун вилоятда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида 70 нафар фермер деҳқончилик соҳаси ривожланган мамлакатларга бориб, тажриба ўрганиб келишди. Бунинг натижасида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятини бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1400 дан ошиқ фермер хўжалиги кўп тармоқли хўжаликка айлантирилди. Қолаверса, тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига тармоқларини кенгайтириш, хусусан, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, иссиқхоналар қуриш, паррандачилик, чорвачилик ва балиқчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш учун кредит маблағлари ажратиб келинмоқда.

– Кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш мақсадида ўтган йили хориждан банк кредити ҳисобига 100 бош зотли моллар олиб келгандик, – дейди Боёвут туманидаги "Ҳақберди самараси" фермер хўжалиги раҳбари Шукуржон Раҳмонбердиев. – Келгусида наслли чорва молларини кўпайтириш билан бирга сутни қайта ишлаш миницехини ташкил этиб, етиштирилган маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлашни ҳам мақсад қилиб қўйганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз боис, Юртбошимиз белгилаб берган устувор вазифалар амалга ошаётгани қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фермер асосий кучга айланиб бораётганидан далолат бермоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» Х МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" Х Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.*



3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартидан 2015 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.**

Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:**

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

**Танлов шартлари:**

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:**

– муаллиф ҳақида маълумотнома;

– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**МАТЕРИАЛЛАР «ОЛТИН ҚАЛАМ» ТАНЛОВИГА ДЕБ КЎРСАТИЛГАН ҲОЛДА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИЛИШИ ЛОЗИМ:**

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 35-хона.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.journalist.uz

Қорақалпоғистон Республикаси

*Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишда турли зараркунандаларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. 2014 йил мобайнида Оролбўйида ҳам бу борада олиб борилган ишлар ўзининг ижобий самарасини берди.*

# ЎСИМЛИК ҲИМОЯСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Бунда биологик усул устувор**

– Ғўза, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига ва уларда учрайдиган касалликларга, шунингдек, бегона ўтларга қарши курашиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган ва ижроси мутахассисларимиз томонидан назоратга олинган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази раҳбари Атабек Давлетов. – Республика бўйича 65 та биолаборатория бўлиб, улар томонидан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилмоқда. Кегейли туманидаги "Халқобод уста" муқобил машина-трактор парки ҳудудида лаборатория ишга туширилганлиги ҳам ютуқлардан биридир.

Фаолият юритаётган биолабораториялар 413 тонна арпа, 14 тонна шакар, 7,01 тонна маргарин, 7,11 тонна мерва билан вақтида таъминланди. Саъй-ҳаракатлар туфайли 775,7 килограмм трихограмма, 353,7 миллион дона бракон, 397,9 миллион дона олтинкўз етиштирилиб, ушбу энтомофаглар ёрдамида фермер хўжаликлари далаларига биологик усулда хизмат кўрсатилди.

Ғўзанинг асосий касалликларидан ҳисобланган гоммоз ва илдиз чиришга қарши Беруний, Манғит ва Халқобод пахта тозалаш заводларида 7219 тонна уруғлик чигит "П-4" ҳамда "Баҳор" препаратлари билан дориланди. Кузги тунлам ва кўсак қурти капалакларининг учиш вақтини аниқлаш мақсадида 53 минг дона феромон тутқичларнинг захираси яратилди. Ғўза майдонларида назорат ишларини кучайтириш мақсадида дала назоратчилари ва энтомолог-ҳосилотларнинг фаолияти кучайтирилди.

Ғалла майдонларида кимёвий ишлов ўтказиш учун 94 та отряд ташкил этилиб, 189 дона ОВХ пуркагичларидан фойдаланилди. Республика бўйича 6086,3 гектар боғтокзорларда, 4097 гектар сабзавот ва полиз экинлари майдонларида зараркунанда ҳамда касаллик тарқалишининг олди олинди.

Жорий йил мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам қизғин олиб борилмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Бухоро Вилояти

ФЕРМЕРЛИК ИСТИҚБОЛИ

# ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК

**Олот тумани фермерлари нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш, балки аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.**

"Баҳористон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Салимжон Ашур" фермер хўжалиги раҳбари Зулхумор Қулиева ана шундай яратувчанлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қишлоқ мулкдорларидан бири. У бошлиқ фермер хўжалиги ихтиёрида 72 гектар экин ери, етарли техника ва механизмлари, 3 гектарли интенсив боғ, 40 бош қорамол, 80 бош қўй, 300 та парранда бор. Экин ерларининг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратаётган фермер юқори ҳосилдорликка ҳамда иқтисодий самарадорликка эришмоқда. Хўжалик аъзолари ўтган йили 3,6 тонна пилла, 300 тонна сабзавот ва полиз, 220 тонна дон, 80,7 тонна пахта етиштирдилар. Пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнердан оширгани учун фермер имтиёз асосида "Нексия" русумли автомашина олди.



*"Нарзи ойим" фермер хўжалиги раҳбари Рустам Ҳамроев сувчи Ҳайдар Ҳамроев билан ғалла ривожини кўздан кечирмоқда.*

Йиғин ҳудудида фермер томонидан ташкил этилган савдо дўкони, тикув цехи ва аёллар гўзаллик салони каби хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Бу ерда 5 нафар коллеж битирувчиси муқим иш ўрнига эга.

Тумандаги Рустам Ҳамроев раҳбарлик қилаётган "Нарзи ойим" фермер хўжалиги эса 225 гектар ер майдонига эга. 122 гектар майдонда ғалла, 90 гектар майдонда пахта, 13 гектар майдонда эса мева етиштиради. Асли касби муҳандис-механик бўлган Рустам ака фермер хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Айни кунда хўжаликда 8 та замонавий, юқори иш унумли техника бор. Улар орасида "Орион – 350" русумли хайдов трактори "Клаас Доминатор" ўрим комбайнлари хўжаликда иш унумдорлигини оширмоқда.

– Ишни шу йўсинда ташкил қилмаганимизда, кўзлаган мақсадларимизга эриша олмас эдик, – дейди фермер. – Чунки экин ерларимиз чўл ҳудудига туташ, янги ўзлаштирилган бўлиб, кўп меҳнат талаб қиларди. Дастлабки йилларда кичик пайкалларни бирлаштириб, ерларни обдон текислаганимиз, маҳаллий ва минерал ўғитга тўйинтирганимиз бугун ўз самарасини бермоқда.

Ўтган йили фермер хўжалиги аъзолари қабул масканларига 240 тонна дон, 220 тонна пахта етказиб бериб, шартнома режаларини ортиғи билан бажарди. Турдош хўжаликларга 80 миллион сўмлик техника хизмати кўрсатилди.

Айни кунда хўжаликда 52 киши иш билан банд. Фермер янги иш ўринлари яратиш мақсадида тухум ва гўшт йўналишидаги паррандалар парваришлашни, чорвачилик тармоғига асос солишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳа, воҳанинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Олот туманида ҳам бундай эзгу мақсадли фермерлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан туманда ўтган йили 26 минг 795 тонна пахта, 34 минг 285 тонна дон етиштирилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилди. Қишлоқ мулкдорлари иштирокида кўплаб савдо, умумий овқатланиш, сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Энг асосийси, туманда яратилган салкам 4500 та янги иш ўрнининг 1004 таси фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шубҳасиз, бу борадаги саъй-ҳаракатлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

**Бувайдалик фермер Собиржон Асқаров қишда ҳам тинмайди. Гоҳ-гоҳида бўладиган илиқ кунлардан фойдаланиб, далага маҳаллий ўғит жамғаради. Ерни тозалаб, ариқ-зовурларни чопади. Шу боис, ҳар доим мўл ҳосил олади. Ўтган йили ҳам ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб ғалла ҳосили олди.**

# ИШ СУРЪАТИ ҚИЗҒИН

Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг агротехнологиялар масалалари бўйича бўлим бошлиғи Шуҳратжон Мамажоновнинг таъкидлашича, вилоятда Собиржон Асқаров сингари миришкор фермерлар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан айни кунгача ғалла майсалари азотли ўғитлар билан озиқлантириб бўлинди.

– Ғалла қишловда берилган ўғитни ўзига ўзлаштиради ва баҳорда туплаган ҳолда чиқади, – дейди суҳбатдошимиз. – Демак, қиш ойлари илиқ келган даврда озиқлантирилган майдонларда ўсаётган ҳар туп ғалла майсалари 2 тадан қўшимча туплаганда ҳам ҳосилдорлик 5-7 центнергача ошади.

Вилоятда қишнинг илиқ кунларида ғалла экилган майдонларни ўғитлашга катта аҳамият бериб келинаётир. Масалан, Тошлоқ тумани ғаллакор деҳқонлари биргина ўтган йилда ёки бу йил ана шундай тажрибани синаб кўраётгани йўқ. Улар бир неча йилдан бери шу усулни қўллаётганликлари натижасида доимий равишда ишлаб чиқариш ва сотиш режаларини ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Ўтган йили ғалла етиштириш режаси 130 фоизга адо этилгани фикримизнинг далилидир. Ана шундай илғор туманлар қаторида Ўзбекистон, Учкўприк, Фурқат, Бувайда, Данғара, Қўштепа каби туманларни ҳам санаш мумкин. Бу туманларда нафақат дон сотиш, балки ишлаб чиқариш режалари ҳам ортиғи билан бажарилган.

Ғалла етиштириш соҳасида вилоятда кўзга кўринган илғор фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Тошлоқ туманидаги "Луқмоновлар", Учкўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Фурқат туманидаги "Ортиғали Ғаниев", Қува туманидаги "Олтин диёр", "Роҳатой" каби фермер хўжаликлари ана шундай хўжаликлар сирасига киради. Бундай фермер хўжаликлари вилоятнинг ҳар бир туманида мавжуд.

Вилоятда майсазорларни ўғитлашдан кейиноқ "шарбат" усулида суғоришга муҳим аҳамият бериляпти.

Шунингдек, вилоятда маҳаллий ўғит жамғариш бўйича янги тизим яратилди. Бу ишга январь-февраль ойларида жиддий ёндашилмоқда. Ишнинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида 51 та гуруҳ ташкил қилинди ва уларнинг таркибида 160 та отряд тузилди. Отрядлар ихтиёрига 140 та юк автомашинаси, 950 та транспорт трактори, 1370 та тиркама, 123 дона юклагич бириктириб берилди. Ушбу техникалар ҳамма ерда самарали ишлатиляпти.

Маҳаллий ўғит жамғариш отрядлари томонидан 789 та фуқаролар йиғинидаги 340 минг аҳоли хонадонларида 400 минг тонна, 345 та чорвачилик фермер хўжалигида 70 минг тонна ва 83 та паррандачилик фермер хўжалигида турган 10 минг тонна маҳаллий ўғитларни техникалар ёрдамида ғалла майдонларига олиб чиқмоқдалар.

Айтиш жоизки, вилоятда 2015 йилги ғалла ҳосилини кўпайтириш йўлида олиб борилаётган бу ишлар шартномалар ортиғи билан бажарилишига, деҳқонларнинг олаётган даромадлари кўпайишига хизмат қилади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Эълонлар

AGROBANK

ЭЪЛОН

**"Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг "Фаровонлик" пул-буюм ютуқли, тиражли лотереялари шартларига асосан ютуқли билетлар ютуқлар тиражи ўтказилган кундан бошлаб 100 (бир юз) кун муддат ичида тўловга қабул қилинади. Банкнинг филиаллари томонидан ютуқли лотерея билетларини қабул қилишнинг сўнгги санаси 2015 йил 6 апрель ҳисобланади ҳамда 2015 йил 7 апрелдан бошлаб лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмаслиги тўғрисида маълум қиламиз.**

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
(0371) 273-03-04, (0371) 150-85-12

www.agrobank.uz
Хизматлар лицензияланган

Утерянные кадастровые документы: (реестр № 1-319/2005, Гувоҳнома TS 0077065) на интернет-кафе и магазин по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар-26 д. 27 кв. 63 выданные ГУП Служба землеустройства и кадастра недвижимости г. Ташкента на имя Суярова Шухрата Урдашовича, считать недействительными.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. Темурмалик кўч. 1-тупик 13-уй учун Кариев Бобур Боходирович номига расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жиззах Вилояти

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

# САҲНАДА ЖОНЛАНГАН ЭЗГУ ХОТИРА

Президентимизнинг 2014 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида шоира таваллудига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Жиззах вилояти мусиқали драма театрида Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” достони асосида Ўзбекистон халқ артисти Б.Йўлдошев саҳнага қўйган “Ёдим синиқлари” спектакли намойиш этилди.

Маросимда Зулфиянинг адабиётимизда тутган ўрни ҳақида сўз юритилиб, унинг асарлари, ҳаёт йўли ёш ижодкорлар, айниқса, қизларимиз учун ибрат мактабига айлангани таъкидланди. Ушбу саҳна асари ҳам халқимизни шоира ҳаёти ва ижоди билан янада кенг таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаёти ва фаолияти Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари билан йўғрилган бетакрор истеъдод эгасининг саҳнада яратилган ёрқин образи томошабинларда катта таассурот қолдирди. Зулфия ролини маҳорат билан ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г.Йўлдошева, шоир Ҳамид Олимжон сиймосини гавдалантирган актёр И.Арабов ва бошқалар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

– Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан вилоятимиз таълим муассасаларида ўтказилаётган адабиёт кечалари, адабий-бадиий тадбирларда халқимизнинг суюкли ижодкорига воҳамиз аҳлининг алоҳида ҳурмат ва эҳтироми намоён бўлмоқда, – дейди Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Тўраева. – Бундай тадбирлар вилоятимиз бўйлаб давом этмоқда.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов сўзга чиқди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**



“Дийдор” театр-студиясининг “Ёдим синиқлари” спектаклидан кўриниш.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

## Оламда нима гап?

## ЕРНИНГ УЧИНЧИ ЯДРОСИ АНИҚЛАНДИ

**Америкалик олимлар сайёрамиз ядроси иккита элементдан эмас, балки учта элементдан таркиб топганлигини таъкидлашмоқда.**



Шу пайтга қадар таъкидлаб келинишича, мантия остида тахминан 2900 километр чуқурликда геосфера жойлашган бўлиб, у 2200 км. радиусда суюқ ташқи ядро ва 1300 км. радиусда қаттиқ ички ядродан иборат. Қаттиқ ядро юзасидаги ҳарорат цельсий бўйича тахминан 6000 даражага тенгдир.

Америкалик олим Сяодун Сун ва унинг ҳамкасблари эса ушбу ядродаги учинчи қатламни аниқлашди. Улар ер қаърини кучли зилзилалар чоғида пайдо бўладиган сейсмик тўлқинлар орқали ўрганишди. Маълум бўлишича, Ер шарининг ички қаттиқ ядроси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг радиуси биринчисидан икки марта кичик экан.

## ЧАПЛИННИНГ «ОСКАР»ИНИ ЎҒИРЛАШДИ

**Париждаги Чаплин уюшмасидан актёрга тегишли бўлган унинг илк “Оскар” мукофоти ўғирлаб кетилди.**



Ҳайкалчанинг нархи 1 миллион доллар деб тахмин қилинмоқда. Шу билан бирга, актёрнинг ҳар бири 90 минг долларга баҳоланган бир нечта ручкалари ҳам ўғирлаб кетилган.

Ушбу жиноят юзасидан тергов иши бошланган.

Маълумот учун, Чарли Чаплин актёрликдан ташқари, режиссёрлик, продюсерлик, бастакорлик, сценарийнавислик билан ҳам шуғулланган. У 1929 йилда “Цирк” фильми учун ҳамда 1972 йилда кино санъатига қўшган улкан хизматлари учун “Оскар” мукофоти билан тақдирланган.

## 10 ЙИЛ ИШ СЎРАГАНГА ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ

**Форд компаниясининг Suburban Ford бўлимида 56 ёшли Жеймс Робертсонга янги “Taurus C-365” седани тортиқ қилинди.**



Робертсон 2005 йилда Honda Accord русумли машинасида автоҳалокатга учраганидан кейин, уни таъмирлаш учун пул топиш мақсадида ишга олишларини сўраб, компанияга мурожаат қилган. Аммо рад жавобини эшитган. Ўтган 10 йил давомида у 33 километр йўл босиб, компания эшигига қайта-қайта келаверган.

Бундан хабар топган ОАВ вакиллари бу мардонавор киши учун интернет орқали пул тўплаш тадбирини бошлашди ва унга машинасини тузатиш учун 5000 минг доллар топиб беришга ҳаракат қилишди.

Бу вақтда ОАВ орқали воқеа машҳур бўлиб кетгач, компания ҳам жим турмасликка қарор қилди ва Жеймс Робертсонга нархи 40 минг доллар бўлган автомашина совға қилишди.

## КЕЧАСИ ҲУРИШИ ТАҚИҚЛАНАДИ

**Хорватиянинг Пула шаҳри суди Медо лақабли кучукнинг кечаси ҳуришини тақиқлаб қарор чиқарди.**

Энди ит мабодо кечаси вовуллаб қўйса, унинг эгаси 2,8 минг евро миқдорида жарима тўлаши керак бўлади.

Маълум бўлишича, жонивордан шикоят қўшни уйда яшайдиган киши томонидан берилган бўлиб, итнинг овози унинг соғлиғига жиддий зарар етказмоқда. У суддаги муваффақиятидан сўнг шу вақтгача бу кучук товушига чидаб келгани учун 1,4 минг евро талаб қилмоқда.

## «МУБТАЛОНИ НЕКИ ҚИЛСА, ТЕЛБА БУ КЎНГУЛ ҚИЛУР...»

**Таниқли футбол юлдузи Диего Марадона юз терисини торттириш бўйича пластик жарроҳлик операциясини ўтказди.**



54 ёшли аргентиналик собиқ футболчи кўзлари остидаги қопчалардан холи бўлди ҳамда юз терисини лазерли ёшартириш амалиётини ўтказди. Марадона ўзининг севгилиси, 24 ёшли Росио Оливадан анча катта кўринмаслик учун шундай йўл тутган.

У ёшарган қиёфада илк бор Кубада кўриниш берди. Бу ерда унинг иштирокидаги спорт кўрсатуви тасвирга олинмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

○ **Реклама ва эълонлар**

**БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**1. “Бухоро вилояти туманларидаги вертикал дренаж қудуқларни реконструкция қилиш ва қуриш (14 дона)”.**

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи:** ҚҚСсиз 1 893 663 771 сўм.

**Ишларнинг тугаш муддати** – 7 ой.

*2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат “Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри”га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.*

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

**Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

**Савдо ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

**Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади:** иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 311-хона. Тел: 241-15-26, факс: 241-15-37.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 15 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

**«АСАКА» БАНК**

**2015 ЙИЛНИНГ КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ МУДДАТЛИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**«ҚАДРИЯТ»**

*Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



***Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.***

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 223-70-05 |
| Сирғали филиали | (371) 257-44-10 | Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 298-02-10 | Афросиёб филиали | (366) 221-75-40 |
| Асака филиали | (374) 233-15-68 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | (374) 226-97-53 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-56 |
| Марғилон филиали | (373) 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | (362) 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 552-61-06 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

**«АСАКА» БАНК – САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

**www.asakabank.com**

Хизматлар лицензияланган.




Утерянный диплом К № 3440389 выданный в 2014 г. Мирабадским помышленным профессиональным колледжем № 0436 г. Ташкента на имя Tojimurodov Jasur Zarifboy o‘g‘li считать недействительным.

Утерянный план и гос. ордер за № 05-02/185 от 09.12.1992 г. на права собственности на квартиру расположенной по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. ТашПИ ТашГУ д. 1 кв. 22 выданный на имя Дмитренко Нинел Захаровны, считать недействительными.

Тошкент ш. Чилонзор т. ТСРЎИда (реестр № 009572-08, 12.02.2014 й.) давлат рўйхатидан ўтган “VALIJON G”ANIJON” ХК (СТИР 302826361) 30.01.2015 й.даги таъсисчининг 2-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида Тошкент ш. Чилонзор т. 8-мавзе 6 Б уй 48-хонадонда қабул қилинади. Тел.: (90) 348-62-00.

ЧП “DAVRI-DAVRON KAPITAL” (ИНН 301421796) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на (№ 003843-09, 29.12.2009 г.) расположенное по адресу: ул. Уйгун д. 73, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 12.02.2009 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 362-67-62.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбек-Англия қўшма корхонаси “Узинтертек Тестинг Сервисез” МЧЖ номига (гувоҳнома № 002932, 03.09.1998 й.) берилган давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати” ДУК томонидан “Шароф Рашидов” номли маҳалла учун 19.04.2011 й.да ТА 1151761/2588-93 сонли берилган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент политехника институти томонидан 1981 й.да Бердиев Эргаш Қурбонович номига берилган ИВ-I № 227812 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. БТИ томонидан Хусанова Қизларбас Жумаевна номига Феруза мав. (С.Восток-2) 57-уй 33 хонадон учун берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный кадастровый документ на магазин (реестр № 4-38/2010) расположенный по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н Паркентский базар, магазин № 35 на имя Шатомировой Сайёры Джумабаевны, считать недействительным.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИ томонидан (14.03.2005 й., реестр № 001042-10) рўйхатга олинган “KAPOT SERVIS” ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли Оилавий корхонага ўзгараётганлигини маълум қилади.

ООО “PILGRIM TRAVEL SYSTEM” (ИНН 300073179) сообщает об изменении формы собственности с ООО на ЧП. Тел.: 655-76-67.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 310-06-99; **Навоий** – (+99891) 332-00-88; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Ж.ЭШНИЁЗОВ
**Мусаҳҳиҳ:** С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
**Дизайнер:** Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.10
26422 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5